Куч — адолатда

2014 йил
24 май,
шанба
№ 21 (482)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ

ҳар томонлама етук, илму маърифатли, маънавиятли ёшлар қўлида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва янгиларишлар инсон манфаатларига, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда. Зеро, ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрловчи, ўз қатъий ҳаётий позициясига эга, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга қодир ёшларни шакллантириш мамлакатимиз эртанги куни ва истиқболи билан чамбарчас боғлиқ.

Шу боис ҳам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту-саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради.

Юртимизда ушбу мақсад йўлида зарур норматив-ҳуқуқий база яратилиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига доир юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Ушбу қонун ҳужжатлари вояга етмаганлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз истеъдод ва қобилиятларини тўлиқ намоён этишлари учун хизмат қилиб келмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қабул қилинган "Ёшларга оид сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидан бўлиб, мазкур ҳужжатлар фарзандларимизнинг баркамол ривожланиши учун шарт-шароит яратишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, фуқароларни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашнинг муҳим омили

Мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлайдиган самарали, кўп босқичли профилактика тизимини яратишга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришга қаратилган "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Айтиш керакки, ушбу янги қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга қаратилган.

(Давоми учинчи бетда)

Юқори малакали кадрлар — суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили

Тошкентда юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Тошкент давлат юридик университети, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази, Бош прокуратура Олий ўқув курслари, Ички ишлар вазирлиги академияси ва қатор халқаро шериклар - ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, АҚШ Федерал суд маркази, Европа Иттифоқининг "Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларига кўмаклашиш" лойиҳаси, "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, олий юридик таълим ва илмий муассасалар, мамлакатимиз ва халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, АҚШ, Япония, Венгрия, Португалия, Словакия, Исроил ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган экспертлар қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига катта эътибор берилаётгани таъкидланди. Бу соҳада мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал база яратилган.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Олий суд Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш самарадорлиги ортиб, жамиятда адолат барқарорлиги таъминланмоқда.

Бу жараёнда суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судья кадрларни танлаш ва лавозимга тавсия этишнинг энг демократик тамойилларга мос бўлган мукаммал тизимини яратиш, шунингдек, суд кадрларининг ижтимоий муҳофазасини тубдан яхшилашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилгани ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг кейинги йилларда айнан шу мақсадларга қаратилган фармон ва фармойишлари қабул қилингани суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мутлақо янги даврини бошлаб берди. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қонунга мувофиқ, "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги Низом амалга жорий этилгани ҳам бу борада ўтказилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Табиийки, кўрилаётган амалий чора-тадбирлар, энг аввало, судья ва суд ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, суд-ҳуқуқ тизимида жорий этилаётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, одил судлов сифати ва самарадорлигини таъминлаш, одамларнинг ишончини қозониш, бир сўз билан айтганда, судья кадрларнинг салоҳияти, билими ва уларнинг зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

(Давоми иккинчи бетда)

Аввало шуни айтиш керакки, амалдаги қонунларимиз талабига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Mezon

Қарзга оид низолар

судлар томонидан қонуний ҳал этилмоқда

Шу ўринда бевосита қарз шартномаси тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бу шартнома бўйича қарз берувчи қарз олувчига пул ёки бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mulohaza

Иқтисодий таъсир чораси

уни янада такомиллаштиришга доир айрим мулоҳазалар

Мамлакатимизда ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди.

Маълумки, жарима айбдордан Жиноят кодексида белгиланган миқдорда пул ундиришдан иборат бўлиб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади. Жарима жазоси асосан иқтисодиёт, хўжалик фаолияти, бошқарув тартиби, жамоат тартибига қарши жиноятлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўлланилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 531-моддасига асосан, ҳукмнинг жарима солиш ва бошқа мулкий ундирувлар қисмини ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг дубликатлари маҳкумнинг яшаш жойи ёки жазони ўташ жойидаги, шунингдек, маҳкумнинг мулки бор жойдаги суд ижрочиларига юборилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда табиий ва қазилма бойликларни асраб-авайлаш, улардан унумли ва оқилона фойдаланиш энг долзарб вазифалардан биридир. Зотан, бу бойликлар, масалан, табиий газ кундалик ҳаётда нечоғлик муҳим экани барчамизга аён.

Burch va mas`uliyat

Ўзбошимчалик панд беради

Маълумки, табиий газ миллий бойлигимиз саналади. Шу боис ундан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш фуқаролик бурчимиз саналади. Айтиш жоизки, табиий газ қувурига ўзбошимчалик билан уланиш, уни исроф қилиш каби салбий оқибатларнинг олдини олиш ғоятда муҳимдир. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши курашиш мақсадида Жиноят кодексининг 185²-моддасида жиноий жазо чоралари белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Олий суд Пленуми

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Йиғилишда муҳокама этилган "Суд ҳукми тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги пленум қарори лойиҳалари ҳам айни шу мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Зеро, суд ҳукми одил судловнинг Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган муҳим процессуал ҳужжатидир. Суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариш орқали шахснинг Конституцияда белгиланган муайян ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёхуд бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳақида ўз хулосасини баён қилади. Шу сабабли, суд ҳукмининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши биринчи навбатда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишига боғлиқдир.

Айтиш керакки, судлар томонидан жиноят учун жазонинг тўғри ва одилона тайинланиши одил судловни амалга оширишнинг энг муҳим кафолати саналади. Чунки адолатли жазо тайинлаш нафақат маҳкумни ахлоқан тузатиш, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади, балки суриштирув ва тергов органи ходимлари ҳамда судьяларнинг салоҳияти, билими ва зиммасидаги вазифага нечоғлик масъулият билан ёндошганини ҳам кўрсатади.

Шу боис қонуний ва адолатли суд ҳукми суд ҳокимияти нуфузини ва судьяларнинг обрў-эътиборини оширадиган, одамларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайдиган асосий мезондир.

Олий суднинг 2014 йилга мўлжалланган иш режасига асосан ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан жиноят ишларини кўришда ва суд қарорлари чиқаришда юзага келаётган айрим муаммолар, тушунмовчиликларнинг қонуний ечимини топиш, ҳуқуқни қўллаш жараёнида суриштирув ва тергов органи ҳамда судлар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида, Олий суд пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарорининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ишчи гуруҳи томонидан ушбу пленум қарори лойиҳасини тайёрлаш жараёнида 476 шахсга нисбатан 406 та жиноят иши ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Мазкур Пленум қарори лойиҳасини ишлаб чиқишдан кўзланган асосий мақсад — судлар томонидан қонунларни бир хилда қўллаш ва бу борада ягона суд амалиётини шакллантиришдан иборатдир.

Пленумда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Mulohaza

Иқтисодий таъсир чораси

уни янада такомиллаштиришга доир айрим мулоҳазалар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасига асосан, ҳукмнинг жарима солиш, фуқаровий даъвони қаноатлантириш ёки келтирилган зиённи қоплаш қисмининг ижро этилишини олти ойгача кечиктириш ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини судья ишнинг муайян ҳолатларини ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб, ҳал қилади.

Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддасига асосан, жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Ҳукм нусхаси маҳкумга топширилган, протест келтирилмаган ва шикоят қилинмаган ҳолларда судья жарима жазосини тўлаш тартибини тушунтириб, жарима тўланмаган тақдирда, қонунда белгиланган жавобгарлик хусусида уни огоҳлантиради. Суд мажлиси котиби маҳкумдан жарима жазосини тўлаш ҳақида тилхат олиб, жиноят ишига тикади. Маҳкум белгиланган муддатда жаримани ихтиёрий равишда тўламаган тақдирда, ижро варақа ёзилиб, ҳукм нусхаси ва ҳукм қонуний кучга кирганлиги ҳақидаги фармойиш илова қилинган ҳолда суд ижрочилари бўлинмаси бошлиғи номига ижро қилиш учун юборилади.

Суд ижрочиси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддасига асосан, ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасига кўра, жарима жазоси икки ойлик муддатда ижро қилиниши лозим. Акс ҳолда, қонуннинг 45-моддасига биноан, ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади. Суд ижрочиси ундирувни қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратади.

Шу ўринда қонуннинг ушбу талаби амалиётда қандай қўлланилаётганига эътибор қаратсак, ижрога юборилган суд ҳужжатларининг ижроси тўлиқ равишда ижро қилинмаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Буни суд амалиёти таҳлилларига назар ташлаб ҳам кўриш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шуни қайд этиш лозимки, Жиноят-процессуал кодексининг 531-моддасида ҳукм, ажрим ва қарорни ижро эттириш уларни қабул қилган суд зиммасига юклатилиши баён этилган. Ҳукмнинг жарима солиш ва бошқа мулкий ундирувлар қисмини ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг дубликатлари маҳкумнинг яшаш жойи ёки жазони ўташ жойидаги, шунингдек, маҳкумнинг мулки бор жойдаги суд ижрочиларига юборилиши борасидаги бандига, фикримизча, ўзгартириш киритиш лозим. Чунки жарима жазоси Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддасида қайд этилганидек, бир ойлик муддатда суд томонидан ундирилиши лозим. Бунинг учун суд котиби маҳкумдан ихтиёрий тўлаш ҳақида тилхат олиб, ижрони назорат қилиши, башарти жарима бир ойлик муддатда тўланмаган тақдирда, Жиноят-процессуал кодексининг 539-моддасига асосан, жарима солишни жазонинг бошқа тури билан алмаштириш ҳақида билдирги билан судьяга мурожаат қилиши, судья эса, Жиноят кодексининг 44 ва 46-моддаларига асосан, жазони алмаштириш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳолатда суд ҳукмининг ижроси билан боғлиқ масалага ойдинлик киритилган ҳолда, суд амалиётидаги мавжуд муаммоларга барҳам беришга эришиш мумкин.

Назар ҚАРШИБОЕВ,
Олий суд катта консультанти

2014-yil — Sog`lom bola yili

Юртимиз келажагининг порлоқ истиқболи

ҳар томонлама етук, илму маърифатли, маънавиятли ёшлар қўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу борада, шунингдек, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг иккита факультатив протоколи ва Халқаро меҳнат ташкилотининг иккита конвенцияси мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган.

2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланиши ва Давлат дастури қабул қилингани ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг қабул қилингани соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга кенг йўл очди.

Айни пайтда ёшлар учун билим олиш, иқтидорларини намоён этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши билан бирга уларнинг замонавий илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлиши, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллашига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада ёшларнинг ахборот ресурсларидан, жумладан, интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгаймоқда. Бу борада илм-фан, маданият ва маърифат соҳаларининг барча жабҳаларини қамраб олган кенг қамровли ахборот ресурсларидан иборат "ZiyoNET" ягона ахборот тармоғи яратилгани ёшлар учун катта қулайлик бўлди.

Лекин шуни ҳам унутмаслик лозим, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялашимиз керакки, улар Интернет бозорига кирганда фақат ўзи учун зарур, ижобий нарсаларни олсин. Интернет сайтларидаги ахборотдан фойдаланиш маданиятини ўргансин. Бу ахборот, яъни таклиф этилаётган молнинг қайси бири менга маъқул ва фойдали, деган саволни ўзига бериб, мушоҳада юритадиган бўлсин.

Бу борада ишни тўғри ташкил этиш, интернет тизимидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун Юртбошимиз мазкур халқаро ахборот тармоғини миллий маълумотлар билан тўлдириш зарурлигини ҳам уқтирган эди.

Ана шу вазифалар ижроси йўлида кейинги вақтда мавжуд 9 минг 400 дан зиёд мактабнинг 96 фоизи "ZiyoNET" электрон ахборот тармоғига уланди. Эндиликда ушбу порталга ҳар куни 20 мингдан зиёд киши мурожаат қилмоқда ва уларнинг аксарияти мактаб ўқувчиларидир. Мазкур ахборот тармоғи ташкил этилгани интернетдан фойдаланувчиларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш билан бирга, уларнинг манфаатларига мос ахборотларни кўпайтириш, турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар билан халқимизни, айниқса, ёшларимизни таништириб боришга имкон яратди.

Айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда бирон-бир касбни пухта эгалламасдан, шу соҳада ўзининг истеъдоди ва маҳоратини кўрсатишга қодир бўлмасдан туриб, баркамол инсон даражасига кўтарилиб бўлмайди. Ҳамма замонларда ҳам етуклик, аввало, билим ва ҳунар, юксак фазилатлар эгаси бўлиш билан белгиланган. Шу боис бугунги кунда мамлакатимизда мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия жараёни ана шу талабларга мос ҳолда олиб борилмоқда.

Бугунги кунга қадар ёшлар, шу жумладан, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг замонавий талаблари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот ресурслари сифатини ошириш, интернет тармоғи миллий сегментида ёшларга оид таълим-тарбия ва билим олишга доир ахборот ресурсларни ривожлантиришга қаратилган 20 дан зиёд турли тадбирлар ташкил этилди. Шу билан бирга, экспертлар ва мутахассислар иштирокида миллий ахборот-излаш тизимини яратиш, маҳаллий ижтимоий тармоқлар ва бошқа замонавий ахборот ресурсларни ёшларнинг кенг фойдаланиши учун мобиль алоқа миллий операторлари имкониятларини ишга солган ҳолда шакллантириш имкониятлари ўрганилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ва болаларни ахборот маконида ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчиликни ривожлантириш, медиа-саводхонлик, тармоқда мулоқот қилиш одобини юксалтириш, интернетда хавфсиз ишлашни қўллаб-қувватлашнинг техник механизмларини яратиш, мазкур масалаларни ҳал этишда давлат органлари, таълим муассасалари, оила, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг кенг иштироки ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш асосий мақсадимиздир. Буни амалда таъминлаш фарзандларимизнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб улғайишига, юртимиз келажагининг порлоқ истиқболига хизмат қилади.

Раъно ГАИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Burch va mas`uliyat

Ўзбошимчалик панд беради

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур моддага мувофиқ, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, тегишли шартнома мажбуриятларига риоя қилмаслик, шунингдек, табиий газ хавфсизлиги қоидаларини бузиш, газдан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўламаслик қонуний жавобгарликка сабаб бўлади. Шу ўринда фикримизни бир ҳаётий мисол билан давом эттирсак, Юсуф Раҳимов муқаддам газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун суднинг 2013 йил 30 майдаги қарорига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига асосан жавобгарликка тортилган. Аммо у бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай, мулкий наф кўриш мақсадида яна ноқонуний қилмишга қўл уради. Аниқроғи, у 2013 йил сентябрь ойидан 7 октябрь кунига қадар ҳовлисида яширин равишда ўзбошимчалик билан газ қувурига уланиб, иккита махсус қозонда оҳак маҳсулотини тайёрлаш билан шуғулланган. У бу қилмиши билан "Карманатумангаз" филиалига 10 миллион 850 минг 734 сўмлик — анча миқдорда зарар етказган.

Муқаддам газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, ундан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг, бир йил мобайнида яна шундай ўзбошимчаликка қўл урган, давлатга анча миқдорда зарар етказган Ю.Раҳимов Жиноят кодексининг 185-2-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топилди. Суд дастлабки тергов идораси томонидан Ю.Раҳимовнинг ҳаракатлари ушбу модда билан тўғри малакаланган деган тўхтамга келди.

Суд судланувчи Ю.Раҳимовга нисбатан жазо тайинлашда унинг ҳаракатларида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқ, илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахс бўлгани ҳолда қасддан янги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолади.

Суд судланувчи Ю.Раҳимовга нисбатан ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Судланувчидан "Карманатумангаз" филиали ҳисобига жиноят натижасида етказилган 10 миллион 850 минг 734 сўм миқдоридаги зарар тўлиқ ундирилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ишда қонунга таяниб фаолият кўрсатиш лозим. Хусусан, газ тармоғига уланишда ҳам қонунда белгиланган меъёрларга амал қилган киши асло кам бўлмайди.

Зафар ТОШБЕКОВ,
жиноят ишлари бўйича Кармана тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Юртимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиб, Конституциямиз ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Буларни амалда таъминлаш, инсон ҳуқуқларига дахл қилувчи иллатларга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилди.

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон шаъни

Айтиш жоизки, одам савдоси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шахсий дахлсизлигига бевосита хавф солувчи иллат саналади. Шу боис мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш борасида тизимли қонунчилик, ташкилий-маъмурий, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро ҳамкорлик бўйича кенг кўламли ишлар йўлга қўйилиб, бу борада мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган.

Шунингдек, мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилган ва БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома иштирокчиси ҳисобланади. Бундан ташқари хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосига қарши курашишга қаратилган 29 та шартнома ва келишув имзоланган.

Шу ўринда одам савдоси жиноятига тўхталадиган бўлсак, бу қабиҳ қилмишга қўл урадиган кимсалар, ўз кирдикорларини яшириш мақсадида, одамларни хорижга ғайриқонуний йўллар билан олиб чиқишга, шахсий ҳужжатларини қалбакилаштиришга уринишади. Бу ҳолат эса, ноқонуний миграция салмоғининг ортишига, муайян давлат ҳудудига ноқонуний кириб келганлар сонининг ортиб, иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли, ушбу жиноий қилмишга дунёнинг барча мамлакатларида жиддий таҳдид сифатида қаралиб, унга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда.

Айтиш керакки, мамлакатимизда суд идоралари томонидан одам савдоси қилмишига қўл урган кимсаларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Жумладан, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2013 йил 18 ноябрдаги ҳукми билан шундай қабиҳ жиноятга қўл урган Саломат Алламовага нисбатан қонуний жазо тайинланди. Айтиш керакки, 1968 йилда Хоразм вилояти Хазорасп туманида туғилган бу аёл муқаддам суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилганига қарамай, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, яна жиноят йўлига кирди. У содда ва ишонувчан аёлларни ёллаб, алдов йўли билан уларни мажбурлаб ишлатиш билан шуғулланувчи уюшган жиноий гуруҳ фаолиятида иштирок этган. Яъни Дубай шаҳрида шундай қабиҳ қилмишлар билан шуғулланувчи Холида Имомова билан ўзаро жиноий тил бириктирган.

Шуни таъкидлаш жоизки, жиноий гуруҳ аъзолари ўзининг чиркин мақсадини амалга ошириш учун Гулистон шаҳрида яшовчи Н.Акмирзаевадан кўмак сўрайди. Ўз навбатида, Н.Акмирзаева дугонаси Умида Нурматова билан учрашиб, унга ўзи яқинда хорижда ишлаб келиб, катта даромад орттирганини, агар хоҳласа, Саломат исмли таниши орқали хорижга ишга юборишини айтади.

Yangi qonun mohiyati

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, фуқароларни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, ушбу янги қонун билан ушбу тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш, кўрилаётган чораларнинг тизимлилиги ва батартиблигини таъминлашга қаратилган меъёрлар ҳам белгиланди. Бундан ташқари қонун билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга соладиган кўп сонли ҳуқуқий меъёрлар бирхиллаштирилди.

Маълумки, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, умуман, бевосита профилактика билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бир қатор қонунлар қабул қилинган. Шу билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган институционал асослар ҳам шакллантирилган. Масалан, прокуратура органларининг асосий вазифалари қаторида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш ҳам мустаҳкамланган.

Ички ишлар идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳам ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш саналади. Мазкур вазифани бажариш мақсадида вазирликда Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ташкил этилган.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар ҳамда уларнинг ижросини таъминловчи органлар фаолияти самарадорлигининг яққол тасдиғи ўлароқ, яқинда "The World Justice Project" халқаро ташкилоти томонидан жаҳон миқёсида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича эълон қилинган навбатдаги Индексда Ўзбекистон ҳуқуқ тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллади.

Тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериш, давр билан ҳамқадам бўлиш, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтириш зарурати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо қилди.

Айтиш керакки, бу борада яқинда қабул қилинган **"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"**ги қонун 7 боб, 51 моддадан иборат бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг вазифалари, принциплари, турлари, бундай профилактикани амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини ўзида мужассамлаштирган.

Ушбу янги қонуннинг энг муҳим ва асосий ғояларидан бири — бу ҳуқуқбузарлик содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қонуннинг 4-моддасида белгиланди. Булар жумласига шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш кабилар киради.

Шунингдек, қонуннинг 3-моддасига кўра, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган чоралар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактиканинг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ҳисобланади. Бу жараёнда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш чоралари кўрилади.

Махсус профилактика умумий профилактикадан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. Бунда айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ва махсус профилактикадан ташқари ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси тури ҳам мавжуд бўлиб, бу қонуннинг 5-бобида ўз ифодасини топган. Унга кўра, профилактикани бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси саналади.

Якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини профилактика суҳбати ўтказиш, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат ташкил этади.

Қонундаги яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, унда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ўз ифодасини топган. Яъни қонуннинг 43-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ҳисобланиши қайд этилган.

Шунингдек, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан аньанавий шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда профилактика тизимига меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари киритилгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки кўп бор таъкидланганидек, у ёки бу шахснинг ҳуқуқбузарлик кўчасига кириб қолишига таълим-тарбиянинг яхши йўлга қўйилмагани, таълим олувчининг бўш вақти мақсадли ташкил қилинмагани, шунингдек, таълим муассасасини битиргандан сўнг иш билан таъминланмагани каби омиллар таъсир ўтказади.

Бундай камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида қонунда таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ички ишлар органлари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ҳамкорлигининг аниқ механизмлари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, қонуннинг 17-моддасига кўра, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига ҳуқуқбузарлик фактлари, одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида, таълим олувчи шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шартлиги мустаҳкамланган.

Қонуннинг 18-моддасида эса, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ички ишлар органларига ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги ҳақида, баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келганлиги ёки мурожаат этганлиги ҳақида, одамларнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид туғдирадиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида, вояга етмаган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида хабар қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Фикримизча, ушбу янги қонуннинг асосий ютуғи, биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаларини аниқ белгилаб берганлиги; иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимини ҳамда уларнинг ҳар бири айнан қайси масалалар бўйича масъул эканлиги қонуний жиҳатдан мустаҳкамланганлиги; учинчидан, ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимини аниқ белгилаб берганлиги; тўртинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари, ҳудудий дастурлар ҳамда профилактикани бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг дастурлари ишлаб чиқилиши қайд қилинганлиги; бешинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги; олтинчидан, мазкур соҳада ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида прокуратура органлари ҳузурида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил этилиши кабиларда яққол намоён бўлади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, ушбу қонун фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш тизими мустаҳкамланишига замин яратади. Шунингдек, бу соҳада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлиги механизмлари янада такомиллашувига хизмат қилади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Юқори малакали кадрлар – суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони судья кадрларни танлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш имкониятларини сезиларли равишда кенгайтирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида юридик таълим ва ҳуқуқшунослик фанини ўқитишни янада такомиллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари белгиланган. Мазкур ҳужжатга биноан 2013 йилда Тошкент давлат юридик институтига университет мақоми берилди ва у юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича асосий олий таълим ва илмий-услубий муассасага айлантирилди.

— Университетимизда юриспруденциянинг қатор мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда, — дейди Тошкент давлат юридик университети ректори Есемурат Каньязов. - Ўқув жараёни юқори самарали замонавий таълим технологиялари асосида назария ва амалиёт уйғунлигида олиб борилаётир. Масалан, талаба ва магистрантлар Олий Мажлис палаталари, Олий суд, Олий хўжалик суди, прокуратура органлари, суд экспертизаси марказида амалиёт ўтамоқда. Шу билан бирга, амалиётчи мутахассислар маъруза ва машғулотларга фаол жалб этилмоқда. Бу ва бошқа омиллар юридик кадрларни тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда эришилаётган ютуқлар суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Масалан, жаҳон миқёсида навбатдаги Ҳуқуқ устуворлиги индексини эълон қилган "The World Justice Project" халқаро мустақил ташкилотининг йиллик маърузасига кўра, Ўзбекистон ҳуқуқий тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича етакчи беш мамлакат қаторига киритилган.

Хорижлик экспертлар юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида Ўзбекистон тажрибасини юқори баҳолаб, давра суҳбатидаги фикр алмашувлар барча иштирокчилар учун ғоят фойдали эканини таъкидлади.

— Пухта билимга эга юридик кадрларни тайёрлаш жуда мураккаб жараён, шу боис бу борада тажриба алмашиш ғоят аҳамиятли ва самарали, — деди АҚШ Федерал суд марказининг Халқаро ҳуқуқий муносабатлар бюроси директори Майра Гур-Арье. — Мен ва ҳамкасбларим Ўзбекистоннинг юридик таълим тизими хусусиятлари билан яқиндан танишдик. Юқори малакали юристлар тайёрлашда эришилаётган ютуқлар бизда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистонда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш узлуксиз таълим тизимининг мустақил босқичидир. Бу борада Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази алоҳида ўрин тутади.

— Одил судлов сифати ҳуқуқшунослар, жумладан, судьяларнинг малака даражасига бевосита боғлиқ, — дейди Юристлар малакасини ошириш марказининг жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири Ғайбулла Олимов. — Судьяларнинг профессионаллигини таъминлаш суд тизимини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг устувор йўналишидир. Шу боис судьяликка номзод учун малака имтиҳонлари, унинг маълумоти ва ёшига доир ҳамда бошқа талаблар белгиланган. Марказимизда назарий тайёргарлик билан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг узвий боғлиқлигини таъминлаш, шунингдек, судьяларнинг малака кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган ўқитишнинг замонавий модуль тизими жорий этилди.

— Юридик таълим тизими Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишда муҳим ўрин тутмоқда, — деди АҚШ Федерал суд марказининг таълим бўйича катта мутахассиси Жеймс Бьюкенен. — Ўзбекистонда юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётир. Бу борадаги ўз тажрибам билан ўртоқлашиш ва ўзбекистонлик ҳамкасбларимдан ҳам касб маҳоратини ўрганиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман.

— Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида бу соҳадаги жаҳон тажрибасининг энг яхши жиҳатлари мужассамланган, — деди Эссекс графлигининг округ прокурори ёрдамчиси Кевин Митчелл (АҚШ). — Бу жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қодир мутахассислар етиштириб бераётган юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳам намоён бўлмоқда.

Давра суҳбати якунида ҳуқуқшуносларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

ва қадр-қиммати

унга дахл қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Аввалига У.Нурматова унинг таклифига розилик билдирмайди. Бироқ Н.Акмирзаева то муддаосига етгунча уни алдаб-аврайди, ёлғон ваъдаларни бериб, ишонтиради. Шундан сўнг жиноий гуруҳ аъзолари У.Нурматовани Тошкент вилоятидаги божхона пости орқали қўшни республика ҳудудига ўтказиб юборишади. Чегарада Умидани уюшган жиноий гуруҳ аъзоси бўлган, тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Руслан исмли кимса кутиб олади ва уни автобусда Бишкек шаҳрига жўнатиб юборади. Бишкекда эса, Умидани уюшган жиноий гуруҳнинг бошқа бир аъзоси, тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Равшан исмли шахс кутиб олиб, уни кўп қаватли уйларнинг биридаги хонадонга олиб боради. Кейин эса, самолётда Дубай шаҳрига жўнатиб юборади. Умида Нурматовани Дубай шаҳри аэропортида жиноий гуруҳ аъзолари Х. Имомова ва тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Фарида исмли аёл кутиб олади. Улар У.Нурматовани фуқаролик паспортини олиб қўйиб, тубан ишларни бажаришга мажбур қилишади.

Бундан ташқари С.Алламова ўзининг жиноий фаолиятини яна давом эттириб, Замира Мелиева, Нодира Нурматова каби аёллар билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда, "Гулистон ёғ-экстракти" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли ишчилар ётоқхонасида яшовчи Зера Асановани ҳам алдаб, чет элда ишлашга кўндиради. Шундан сўнг С.Алламова З. Асановани самолётда чет элга жўнатиб юборади. Дубай шаҳрида З. Асановани Замира Мелиева ва тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Жамила исмли аёл кутиб олади. Улар З.Асановани фуқаролик паспортини олиб қўйиб, уни ҳам тубан ишларни бажаришга мажбур қилишади.

Албатта, ҳаётда ҳар қандай қинғир ишнинг қийиғи чиқмай қолмайди. Юқорида номлари қайд этилган кимсаларнинг кирдикорликлари ҳам, орадан кўп ўтмай, ошкор бўлди. Бу кимсаларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги тўлиқ таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, хорижда ишлашни хоҳловчилар учун республикамизда тегишли тартиб-қоидалар жорий этилган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ушбу фаолият билан шуғулланади ва ҳар бир шахс мазкур масалага оид барча саволларига ушбу агентликдан тўлиқ жавоб олиши мумкин. Бошқа бирон-бир юридик ёки жисмоний шахсга фуқароларни чет элларга ишга юбориш ваколати берилмаган. Шундай экан, қонун талабига риоя этган ҳолда фаолият юритиш нафақат ишнинг муваффақиятини таъминлайди, балки турли хил иллатлар домига тушиб қолишдан асрашини ҳам ҳеч қачон унутмайлик.

Қодирберган ЯХШИМУРАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси

Jinoyat va jazo

Гиёҳвандлик – ҳаёт кушандаси

Суд очерки

Маълумки, бугунги кунда дунё аҳлини жиддий ташвишга солаётган иллатлардан бири — гиёҳвандлик балоси инсон умрини буткул издан чиқариши, саломатликка путур етказиши ва тинч оилаларни пароканда қилиши билан ўта хавфли саналади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mezon

Қарзга оид низолар

судлар томонидан қонуний ҳал этилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Албатта, қарз муносабатлари ҳаммага таниш. Зеро, бирор сарф-харажат талаб этадиган юмуш туфайли моддий кўмакка муҳтож бўлган кишига қарз бериш савоб ҳисобланади. Шу маънода инсофли, виждонли одам олган қарзини, ваъдага мувофиқ, ўз вақтида қайтариши билан бирга қарз берган кишига миннатдорлик ҳам билдиради.

Аммо ҳаётда қарз олаётганда ваъдани қуюқ қилиб, сўнг тутқич бермай юрадиган айрим кимсалар ҳам учраб туради.



Юқорида айтилганидек, фуқаролик қонунчилигида қарз билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинган. Чунончи, турли низолар, келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида, қарз шартномаси қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда, тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши шартлиги қонунда белгиланган.

Шуни қайд этиш жоизки, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик ҳисобланиб, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда, тарафларни битимнинг тузилганини, мазмунини ёки бажарилганини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Айтиш керакки, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қарз билан боғлиқ низолар қонун талабидан келиб чиқиб ҳал этилмоқда. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судида қарз муносабатларидан келиб чиққан низоларга доир фуқаролик ишлари 2010 йилда 10 тани, 2011 йилда 11 тани, 2012 йилда 9 тани, 2013 йилда 11 тани ташкил этган. Бу эса, бир йилда кўрилган фуқаролик ишларининг ўртача 0,5 фоизини ташкил этади. 2014 йилнинг ўтган 3 ойида судда 620 та фуқаролик иши кўрилган бўлса, шундан 7 таси қарз муносабатлари билан боғлиқ бўлган.

Шу ўринда қарз муносабатларидан келиб чиққан бир фуқаролик ишини таҳлил этсак, даъвогар Р.Толипова (исм-шарифлар ўзгартирилган) жавобгарлар Г.Абдуллажонова ва Р.Одиловга нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Даъвогар Р.Толипова даъво аризасида таниши Г.Абдуллажоновага 2009 йил 3 апрелда тилхат асосида икки ой муддатга 507 000 сўм, 26 июнда 290 000 сўм, 2010 йил май ойида бир ой муддатга 4 000 000 сўм қарз берганини, лекин жавобгар олган қарзини қайтармай келаётганини, шунингдек, жавобгар Р. Одиловга 2010 йил 13 апрелда бир ой муддатда қайтариш шарти билан 2 800 000 сўм қарз берганини, агар қарзни ўз вақтида қайтармаса, 10 баробар қийматида қайтариш тўғрисида оғзаки равишда келишишганини, ҳозирга қадар жавобгар 500 000 сўм қайтарганини, оғзаки келишувга асосан, яна 2 300 000 сўм қайтариши лозимлигини қайд этиб, жавобгардан ушбу маблағни ундириб беришни сўраган.

Суд ушбу фуқаролик ишини атрофлича кўриб чиқди. Фуқаролик кодексининг 327-моддаси талабига асосан, фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, у жойлашган жойдаги пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади, қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Суд қонуннинг ушбу талабидан келиб чиқиб, даъво қўзғатилган кунда ҳам, қарор чиқарилган кунда ҳам банк фоизининг ҳисоб ставкаси 12 фоиз эканини инобатга олиб, қарздорликка нисбатан 12 фоиз ҳисоб ставкасини қўллаб, жавобгар Г.Абдуллажоновадан даъвогар фойдасига жами 7 119 366 сўм ундиришни лозим топди.

Бундан ташқари жавобгар Р.Одилов 2010 йил 13 апрелда бир ой муддатда қайтариш шарти билан 2 800 000 сўм қарз олгани, бу ҳақда тилхат ёзиб бергани, агар қарзни ўз вақтида қайтармаса, 10 баробар қийматида қайтариш тўғрисида оғзаки равишда келишгани ва 500 000 сўм қайтарганини инобатга олиб, суд даъвонинг ушбу қисмини рад қилди.

Баён этилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, қарз муносабатларининг тўғри расмийлаштирилмаслиги, яъни қонунда белгиланган тартиб ва шаклда амалга оширилмаслиги, низо келиб чиққан вақтда, тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари суд томонидан тўлақонли ҳимоя қилинишига тўсқинлик қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳар қандай шартнома, битим, келишувлар қонуний асосда тузилиши мақсадга мувофиқ. Бу томонларнинг манфаатлари билан биргаликда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Асқарали УММАТАЛИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судининг раиси

G'aroyib olam

Маълумки, бундан бир неча аср муқаддам оддийгина тамаддихона ёки ошхона тарзида бўлган овқатланиш муассасалари бугунги кунга келиб нафақат ҳашаматли ва кўркам, балки ҳайратомуз масканларга айланди. Айниқса, бу борада антиқа ресторанларнинг яратилиш тарихи ва хилма-хиллиги ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак.

Биз билган ва билмаган дунё

АНТИҚА РЕСТОРАНЛАР

Аслида ресторанинг келиб чиқиш тарихи XVIII асрда яшаб ўтган франциялик ошпаз Буланже номи билан боғлиқ. Ўшанда машҳур ошпаз мижозларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида, ўзига қарашли кичик бир ошхонани қайта таъмирлаб кенгайтиради, залга устига мармар қопланган столлар қўйиб, ҳар бир стол атрофига тўрттадан юмшоқ ўриндиқ жойлаштиради. Шунингдек, у стол устига ҳар бир хўранда учун алоҳида ликопча, санчқи ва янгилик сифатида илк бора учи тўмтоқ пичоқ ҳам қўйиб чиқади.

Буланже бу билан чекланмай ҳар бир столнинг ўртасига ва деразаларга тувакда анвойи ва чиройли гуллар келтириб қўяди. Энг ажабланарлиси, у кираверишга "Хўрандалар! Тортинмай менинг ошхонамга келаверинглар! Кимнинг ошқозони безовта қилса, мен уни реставрация қилиб тузаман!", деган эълонни осиб қўяди.

Тез орада Буланженинг довруғи бутун мамлакат бўйлаб ёйилади ва одамлар унинг ошхонасини ҳалиги эълондаги "реставрация" деган сўз билан атай бошлайди. Охир-оқибат эса, бу сўз ўзгариб, "ресторан" деган янги ном пайдо бўлади.

Қизиғи шундаки, кейинчалик нафақат Европада, балки бутун дунё мамлакатларида ташкил этилган ресторанларда ҳам ҳар хил ўзига хосликларни жорий этиш урфга айланди. Масалан, Нью-Йоркдаги "Eat", яъни "Тамадди қилинг" деб номланган машҳур ресторан ўз мижозларини вазмин сукунат билан кутиб олади. Негаки, шаҳардаги серқатнов машиналар шовқин-суронидан чарчаган мижозлар айнан шуни истагани боис жимжитликда таом таъмини хотиржам ҳис қилиб овқатланиш учун ҳатто бир неча ҳафта илгари навбатга ёзилишга ҳам жон деб рози бўлишади. Ресторанда тановул пайтида гапирмаслик қоидасига қатъий амал қилинади, қоидани бузган шахс эса овқати билан бирга чорбоққа чиқариб юборилади. Бу ерга доимий ташриф буюрувчи мижозларнинг таъкидлашича, вазмин сукунатда овқатланиш организмнинг ички барқарорлигини тиклашда муҳим аҳамият касб этар экан.

Яна бир ғаройиб ресторан Бельгияда фаолият юритади. Айтиш керакки, бу ерга асосан баландликдан чўчимайдиган мижозлар ташриф буюришади. Гап шундаки, бу ресторан ердан 50 метр баландликда жойлашган бўлиб, у бор-йўғи 22 нафар мижозга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Қизиғи, бу ресторан нечоғлик баландликда жойлашган бўлишига қарамай, бу ерда тамадди қилиб, кўнгил чигилини ёзиш истагида бўлган мижозлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Дунёдаги энг митти ресторан эса, Финляндиянинг Йийсалми шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг кенглиги атиги 3,5 квадрат метрни ташкил этади, холос. Ресторан бор-йўғи икки нафар мижозга хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, илгари бу ерда маҳаллий темир йўл назоратчиси истиқомат қилган. Шуниси ажабланарлики, бу ерга келган ҳар бир мижозга ажойиб таомлар билан бирга, дунёдаги энг митти ресторанда тановул қилгани ҳақида махсус шаҳодатнома ҳам берилади. Мазкур тамаддихона 1994 йилда "Энг митти ресторан" сифатида Гиннеснинг Рекордлар китобига киритилган.

Шунингдек, Токио шаҳрида барпо этилган "Алькатрас" ресторани ҳам ўзига хос услуб ва хусусиятларга эга. Очиғи, қамоқхона кўринишида қурилган мазкур ресторанга мижозлар фақат тановул қилиш учун эмас, балки асаблари нечоғлик мустаҳкам эканлигини синаб кўриш мақсадида ҳам ташриф буюришади. Ресторанда жорий этилган антиқа қоидага кўра, ҳар бир мижоз, аввало, қон гуруҳини текширувдан ўтказади ва шунинг натижасидан келиб чиқиб, таомга буюртма бериши мумкин.

АҚШнинг Техас штатида жойлашган яна бир ресторанда эса, мунтазам равишда мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилган. Мусобақа шартига кўра, икки килограммлик стейкни бир соат ичида пақкос туширган мижоз бир ой давомида ушбу ресторанда бепул овқатланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Айтиш жоизки, бу беллашув кўплаб мижозларни ўзига жалб қилаётган бўлса-да, саноқли кишиларгина бу шартнинг уддасидан чиқа олган.

Бу дунёда тиниб-тинчимайдиган одамлар нималарни ўйлаб топмайди, дейсиз?! Мальдив оролидаги Хильтон меҳмонхонаси ҳудудида барпо этилган сувости ресторанини кўриб, бу фикрнинг қанчалик тўғри эканига ишонч ҳосил қиласиз. Бу антиқа ресторан беш метрлик чуқурликдаги сув остига жойлашган бўлиб, атиги 14 нафар мижозни қабул қилади. Албатта, бу ресторанинг атрофи сув ўтказмайдиган қалин ойна билан қопланган. Бу ғаройиб тамаддихонада мижозлар овқатланиш билан бирга сувости мўъжизаларини мириқиб томоша қилишади.

Дубай шаҳрида бунёд этилган муз ресторанида эса, хизматкорлар қўлида қўлқоп ва қалин бош кийим кийган ҳолда мижозларга хизмат кўрсатишади. Албатта, ташқарида қуёш олов пўркаётган бир пайтда бу мўъжазгина даргоҳга келган мижозлар ўзини худди Арктика музликларига тушиб қолгандек ҳис қилишади.

Янада қизиқарлиси, Германиянинг Нюрнберг шаҳрида барпо этилган "Келажак ресторани"да ўз номига монанд равишда мижозларга автоматлаштирилган компьютер ёрдамида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Бу тамаддихонага ташриф буюрган хўранда ўзи истаган таомни катта экран орқали танлайди ва шу ернинг ўзида банк карточкаси орқали ҳисоб-китоб қилади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай буюрилган таом махсус йўлакчалар орқали дастурхонга келиб тушади.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилиб келинаётган янгиланиш ва ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад — фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашдан иборат.

Huquqiy ma`rifat

Ҳимоя ҳуқуқи

одил судловни таъминлашнинг муҳим мезони

Айтиш керакки, ислоҳотлар жараёнида Айбсизлик презумпциясига тўлиқ риоя этиш ва уни амалда қўллашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув, ошкоралик сингари умумэътироф этилган демократик тамойилларга қонунчилигимизда кенг ўрин ажратилган.

Шу ўринда одил судловни таъминлашнинг муҳим мезони саналган судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитларни яратиб бериш Конституциямизнинг 26-моддасида белгилаб қўйилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бундан ташқари апелляция институтининг жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, фуқаролар қонуний кучга кирган суд қарорларидан норози бўлган тақдирда, кассация инстанцияси судининг мажлисларида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишди.

Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида судларга ҳимоя ҳуқуқини судлов ишларини юритишнинг барча босқичида таъминлаш юзасидан раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани судларда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлади. Фикримизга асос сифатида Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда "Адвокатура тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини таъкидлаш жоиз.

Қисқаси, судларда ҳимоя ҳуқуқи одил судловни амалга оширишда қонуний асос вазифасини ўтамоқда. Бу эса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоясига хизмат қилмоқда.

Жаҳонгир ҒАЙБУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг раиси

Jinoyat va jazo

Гиёҳвандлик — ҳаёт кушандаси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шу боис ҳам бу иллатга қарши муросасиз кураш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Масалан, 1999 йил 19 августда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Шунингдек, Жиноят кодексида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари судлар томонидан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишларини кўриш бўйича суд фаолиятини такомиллаштириш, бир хил суд амалиётини шакллантириш мақсадида Олий суд Пленумининг "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори қабул қилинган.

Таъкидлаш жоизки, бу турдаги жиноятни содир этган, гиёҳвандликка муккасидан кетган кимсаларга нисбатан судлар томонидан мажбурий тартибда даволаш чоралари ҳам қўлланилади. Хусусан, Жиноят кодексининг 96-моддаси талабига асосан, судланувчига нисбатан жазони ўташ жойларида мажбурий тартибда гиёҳвандликка қарши тиббий йўсинда даволаш чоралари белгиланади.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши муросасиз кураш олиб борилаётган бир пайтда айрим кимсаларнинг мўмай даромад орттириш илинжида жиноятга қўл ураётгани афсусланарлидир.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, К.Абдуллаев ва Р.Мирзааҳмедовлар (исм-шарифлар ўзгартирилган) белгиланган тартибни бузиб хорижга чиқиш, такроран Ўзбекистонга қайтиб кириш, божхона назоратини четлаб ўтиб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш ҳамда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини сотиш жиноятини содир этган.

К.Абдуллаев 2013 йилнинг баҳор ойларида Р.Мирзааҳмедов билан танишиб қолади ва ундан гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, мунтазам равишда бу заҳри қотилни истеъмол қилиб келади. Орадан икки-уч ой ўтгач, у таниши С.Турсуновни ҳам гиёҳвандлик воситасини сотиб олишга ва уни истеъмол қилишга ундайди. К.Абдуллаев 2013 йил 3 сентябрь куни С.Турсуновга 800 АҚШ доллари эвазига 56.38 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситасини сотаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинади.

Шундан сўнг К.Абдуллаевнинг кўрсатмаси билан Р.Мирзааҳмедовнинг бошқарувида бўлган "М-412" русумли автомашина кўздан кечирилганда, ҳайдовчи ўриндиғининг пастки қисмидан 12 дона целлофан пакетга қадоқланган 119.9 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситаси топилади.

У бу гиёҳвандлик воситаларини 2013 йил 15 августда Янгиқўрғон тумани орқали айланма йўллар билан, белгиланган тартибни бузиб, Қирғизистон Республикаси, Жалолобод вилоятига ўтиб, терговда шахси аниқланмаган «Серёга» исмли шахсдан сотиб олгани ва Ўзбекистон Республикасига контрабанда йўли билан олиб ўтганини тан олди.

Айтиш керакки, тергов идораси томонидан К.Абдуллаев ва унинг ҳамтовоғи Р.Мирзааҳмедов Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми "в" банди, 246-моддаси 2-қисми ва 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топилди.

Суд ҳукмига кўра, К.Абдуллаев ва Р.Мирзааҳмедовга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат қилмай осон даромад топишга уриниш, эгри йўлдан юриб ўзгаларга зиён етказиш ҳеч қачон ҳеч кимга обрў келтирмаган. Шундай экан, ҳалол яшаш умримиз мазмуни, баракаси эканини унутмайлик.

Саматжон ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Шоюнус ГАЗИЕВ, Қўчқор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-525. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7310.
1 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰